

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишени тугатиш тўғрисида)

2025 йил ноябрь ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди очик сайёр суд мажлисида бўлиб, Пскент тумани, Митан м.ф.й. биносида, раислик қилувчи судья М.Базаров, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Бахадиров, тарафлардан давлат айбловчиси Пскент туман прокурорининг ёрдамчиси К.Касимовнинг иштирокида,

М.Ш.З, 16.12.1995 йилда Тошкент вилояти Бўка туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, МЧЖда ҳайдовчи, муқаддам судланмаган, Тошкент вилояти, Бўка тумани, Қорақўйли м.ф.й. да яшайди, иш бўйича жамоа кафиллиги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 13 октябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан судланувчига оид 1-1113-2501/226-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, кўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

М.Ш.З, 2025 йил 28 август куни, соат тахминан 12:00да ишончнома орқали ўз бошқарувидаги “DAMAS-2” русумли, давлат рақами [REDACTED] бўлган автомошинани Пскент тумани, Муродали М.Ф.Й худуди орқали ўтган 4К784 автомобиль йўлининг Муродали М.Ф.Й худудида жойлашган бозор рўпарасидаги қисмида Бўка йўналиши томондан Муродали йўналиши томон бошқариб кетаётиб, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 11-банди “Г”-қисми ва 77-банди 1, 2, 3-қисмлари яъни “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди талабларига кўра “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”, 11-банди “Г”-қисми талабларига кўра “Ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан ҳайдовчи эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурлиги”, 77-банди 1, 2, 3-қисмлари талабларига кўра “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлиги, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, лекин у жинойий бепарволик билан ҳаракат хавфсизлиги чораларини таъминламаган ҳолда тезлик 60 км/соат этиб белгиланган жойда 72,8 км/соат тезликда ҳаракатланиб, йўналиши



бўйича йўлни қарама-қарши томондан ҳаракатланиб келиб, йўлни кесиб ўтган 28.06.1961 йил туғилган У.Қ.Юни бошқарувидаги велосипед билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисаси содир этган.

Оқибатда велосипед ҳайдовчиси У.Қ.Ю олган тан жароҳатлари билан Пскент тумани касалхонасига ётқизилган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 23.09.2025 йил кунидаги 1131-Т-сонли хулосасига кўра Қ.Умиров йўл транспорт ҳодисаси натижасида оғир турдаги тан жароҳат олганлиги аниқланган.

Судга оид транспорт трасалогия ва ЙТХ механизми экспертизасининг 25.09.2025 йил кунидаги 484-485-сонли хулосасига кўра қарорда келтирилган мазкур тўқнашувнинг дастлабки вақтида “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасининг олди ўнг томони (кузовининг олди қисимлари, олди зарбқайтаргичи ва ўнг томон эшиги) “ВЕЛОСИПЕД”нинг ўнг ён томони (рамасининг ўнг ён қисимлари, ҳаракатлантирувчи қисмлари ва орқа юк кўтаргичи)га теккан ҳамда бу вақтда бўйлама ўқлари орасидаги бурчак $172\pm 5^\circ$ даража атрофида бўлганлиги, қарорда келтирилган мазкур тўқнашув вақтида “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳаракатда бўлган, “ВЕЛОСИПЕД” эса тўхташ тезлигига яқин тезликда (секин) ҳаракатланганлиги, қатнов йўлида қолган 28 метр узунликдаги тормоз изига асосан “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги 72,8 км/соатни ташкил этганлиги, қарорда келтирилган мазкур йўл транспорт ҳодисаси шароитда, 1961-йилда туғилган “ВЕЛОСИПЕД” ҳайдовчиси дастлаб қарама-қарши йўналишнинг четки марза қисмида ҳаракатланиб келиб сўнг “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасининг ҳаракати учун хавф туғдирган ҳолда, ҳайдовчига нисбатан қарама-қарши йўналишнинг четки марза қисмидан ўз ҳаракат йўналишини қия ҳолатда ўнг томонга ўзгартирган ҳолда ҳаракатланиб ўтишни бошлаган вақтда, “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳайдовчиси аниқланган 101,1 – 121,3 метр узоқлик масофасида бўлиб, ҳайдовчи воқеа жойида 4-саволда аниқланган 72,8 км/соат тезликда ҳаракатланган “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситасини ўз вақтида кескин тормозлаш йўли орқали тўхтатиб мазкур ЙТХни олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлганлиги, қарорда келтирилган мазкур ЙТХ вазият, ўтказилган тадқиқотлар ҳажмида кўриб чиқилса, “DAMAS-2” русумли давлат рақам белгиси [REDACTED] бўлган транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 77-банди 3-қисми ҳамда 11-банди г-қисми талабларига зид бўлганлиги аниқланган.

Пскент туман прокурорининг 2025 йил 7 октябрь куни тасдиқлаган айблов далолатномасига кўра, судланувчи М.Ш.Зга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.



Судланувчи М.Ш.З суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини кувватлаб, айбига тўлиқ иқдор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи У.Қ.Ю суд мажлисида, судланувчи М.Ш.Зга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, М.Ш.З унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини баён қилиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг ярашув ҳақидаги аризаларини муҳокама қилиб, тарафларнинг аризани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, иш материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси 1-қисмида, ушбу Кодекснинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, ушбу модданинг 2-қисмида эса, оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига кўра, жабрланувчи Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши ушбу Кодекснинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 27-сонли қарорининг 1-бандида, ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш тури сифатида шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлиши, 2-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда жиноят натижасида етказилган зарар бартараф этилганлиги (ёки жабрланувчининг зарардан воз кечганлиги) ва ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши лозимлиги, ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) деб топилган шахс ёки унинг



қонуний вакили эга эканлиги, 3-бандида, ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, суд мажлисида эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхона (алоҳида хона)га киргунга қадар берилиши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, қайд этиб ўтилган қонун талабларига ҳамда Пленум қарори билан бирилган тушунтиришларга риоя қилиб, судланувчи М.Ш.Знинг муқаддам судланмаганини, ўз айбига иқрорлик билдиргани, жабрланувчи билан ихтиёрий равишда ярашгани, содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб, етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ бартараф этгани, жабрланувчига ёки судланувчига тазйиқ бўлганлиги ҳолати аниқланмагани ҳамда судланувчи ҳам, жабрланувчи ҳам ярашувга розилик билдирганликларини инобатга олиб, жиноят ишини судланувчининг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда уни жавобгарликдан озод қилишни ҳамда жабрланувчига ЖПК 583-моддасининг 6-қисмига асосан ушбу жиноят иши ярашувга асосан тугатилганидан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишларини тушунтиришни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 583, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд;

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

М.Ш.З, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан жавобгарликдан озод қилинсин ҳамда унга нисбатан Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисмига асосан тугатилсин.

Ажрим қонуний кучга киргач судланувчи М.Ш.Зга нисбатан қўлланилган жамоа кафилиги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жабрланувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан кейин кассация тартибида, хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

М.М.Базаров

